

Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими тўғрисида Н И З О М

I. Умумий қоидалар

1.1. Қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси (кейинги ўринларда Бўлим деб аталади) Сурхондарё вилоят статистика бошқармасининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

1.2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ҳамда вилоят статистика бошқармасининг буйруқлари, белгиланган тартибда тасдиқланган йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларга ва мазкур Низомга амал қилган ҳолда иш тутади.

1.3. Бўлим ўз фаолиятини бошқарма бошлиғи раҳбарлигида амалга оширади.

1.4. Бўлим ўз фаолиятини вилоят статистика бошқармаси марказий аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари ва шаҳар ҳамда туманлар статистика органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

1.5. Бўлим юридик шахс мақомига эга эмас.

II. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

2.1. Бўлимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўйича ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва чоп этиш;

статистика соҳасида ягона сиёсатни амалга ошириш, замонавий статистика стандартларига жавоб берадиган самарали статистика тизимини шакллантириш;

илмий асосланган, бозор иқтисодиёти асосий принципларига жавоб берадиган ягона статистика методологиясини ҳамда миллий рақамларни тузишни таъминловчи статистика стандартларига мувофиқ бўлган кўрсаткичлар тизимини жорий этиш;

вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий жараёнларини ҳар томонлама характерловчи статистика ва ҳисобот кўрсаткичларнинг тезкорлигини, ишончлилигини, холислигини ва изчиллигини таъминлаш:

статистика ахборотининг қулайлигини, аниқлигини ва ошқоралигини кенгайтириш ишларини амалга ошириш;

статистика ишларини ташкил этишнинг статистика ахборотини йиғиш, қайта ишлаш ва умумлаштириш тартибига ҳар қандай аралашини истисно қилувчи тизимини таъминлаш;

вилоят бўйича ижтимоий-иқтисодий ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида

статистика ахборотларини йиғиш, қайта ишлаш, тўплаш, сақлаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш ва эълон қилишни амалга ошириш;

вилоят ҳудудлари ва тармоқларида иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурларининг, ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларининг бажарилиши юзасидан статистик кузатувларини амалга ошириш;

Давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, юридик шахсларни, давлат муассасаларини ва халқаро ташкилотларни ҳамда жамоатчиликни статистик ахбороти билан белгиланган тартибда таъминлаш;

статистика органларини замонавийлаштириш ҳамда статистика ахборотини тезкорлик билан узатиш, статистика бўйича ягона ахборот тизимини янада ривожлантириш, унинг вилоятдаги бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро мувофиқлиги ва боғлиқлигини таъминлаш;

статистика ахборот ресурсларининг ҳавфсизлигини таъминлаш ва ахборот-ҳисоблаш тизимини рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш;

статистика органлари кадрлари малакасини изчил асосда оширишни таъминлаш;

хўжалик шартномалари асосида корхоналар ва ташкилотларга ахборот-ҳисоблаш хизматлари кўрсатишга доир статистик ва бошқа ишларни бажариш.

2.2. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўйича статистик кузатувлар ўтказиш, умумлаштириш, таҳлил этиш, сақлаш ва чоп этиш ишларини амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўйича ҳудудий органлар фаолиятини назорат қилиш, мувофиқлаштириш, улар томонидан тақдим этилган ахборотларни таҳлил қилиш ишларини олиб боради;

қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси соҳасида шаҳар ва туманлар статистика органларига услубий ва амалий ёрдам кўрсатади;

давлат статистика кузатувлари натижалари бўйича маълумотлар базасини яратади;

давлат статистикаси кузатувлари натижаларида олинган ахборотларнинг ишончлилиги, тўлиқлиги, сифатлилиги ва тизимлилигини таъминлаш бўйича ишларни амалга оширади;

Бўлим томонидан статистик маълумотларни шакллантириш, сақлаш ва тарқатишда замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлайди;

давлат статистика хисоботи шакллари ва уларни тўлдиришга доир йўриқномаларни доимий ўрганиб боради ва белгиланган тартибда уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

белгиланган тартибда муҳим ижтимоий иқтисодий муоммолар бўйича мониторингни ташкил қилади ва ва амалга оширади;

вилоят худудлари ва тармоқларида рўй бераётган ижтимоий –иқтисодий жараёнларни комплекс таҳлил қилиш учун статистика кўрсаткичларининг ахборот тизимини таъминлайди:

вилоят қишлоқ хўжалик корхоналарида иқтисодий ислохатларнинг боришини, қишлоқ хўжалик корхоналари, фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалик соҳасида фаолият юритаётган кичик корхона ва микрофирмалар фаолиятларини ҳамда қишлоқ хўжалик корхоналарида, бозор муносабатлари, асосий воситалар ҳаракати ва бозор инфратузилмасининг вужудга келишини, нархлар динамикасини, давлат, корхона ва иқтисодиёт тармоқларининг молиявий аҳолини, меҳнат бозорлари, инвестиция ва демографик жараёнлари, меҳнат ресурслари динамикаси ва таркибини, меҳнатга ҳақ тўлаш ва унинг шартларини, ижтимоий соҳа ҳуқуқий тартибот ва экологиянинг аҳолини, иқтисодиёт секторлари ва тармоқлари фаолият кўрсатиши динимикасини, статистика кузатувларини амалга оширади;

статистика фаолият, шу жумладан давлат ахборот тизимлари ва ресурсларини юритиш масалалари бўйича норматив – ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда белгиланган тартибда таклифлар тайёрлайди;

статистика кузатувлари ва расмий статистика ахборот – тушинтириш ишларини амалга оширади;

миллий қонун ҳужжатларига ва тавсияномаларга мувофиқ статистика маълумотларининг махфийлигини таъминлайди;

маълумотларни тайёрлаш методларини, тартибини ва сифатини такомиллаштириш негизида барча фойдаланувчиларга очиқ статистика ахборотларини тарқатади ва уларни фойдаланиш учун тенг шароитлар билан таъминлайди.

белгиланган тартибда Бўлимга юклатилган бошқа функцияларни амалга оширади.

III. Қишлоқ хўжалик ва экология статистика бўлимининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

3.1. Бўлим қуйидаги ҳуқуқларига эга:

Молия, божхона, солиқ органларидан, банк муассаларидан, бошқа идора ва хизматлардан, юридик шахслардан ва уларнинг ваколотхоналари ва филиалларидан, жисмоний шахслардан, шу жумладан яқка тартибдаги тадбиркорлардан идоравий ҳисобга олиш маълумотларини ва давлат статистика ишларини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа маълумотларни, шунингдек уларга илова қилинадиган тушинтиришларни талаб қилиш ва олиш ҳамда улардан давлат статистика ҳисоботларида статистика мақсадларида фойдаланиш;

давлат органлари, юридик шахслар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари, статистика маълумотлари тақдим этувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

давлат статистика кузатувлари методологияси ва уларни ташкил этиш, шунингдек расмий статистика ахбороти билан боғлиқ масалалар бўйича ахборот – тушинтириш ишларини амалга ошириш;

статистика ахборотлари ва статистика маълумотларининг нотўғри фойдаланилиши ҳолларини тушинтириш;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат статистика соҳасидаги Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатларининг барча юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириш;

олинаётган статистика маълумотларининг тўлиқлиги, ишончли ва ҳолислигини экспертизадан ўтқизиш;

вилоят ҳудудидаги муассасалар ва ташкилотларда статистика маълумотларининг ишончлилиги ва тўлиқлигини белгиланган тартибда текшириш. Статистик ҳисобот кўрсаткичларида бузилишлар аниқланган тақдирда уларни баргараф этиш тўғрисида кўрсатмалар бериш ва статистика маълумотларига тегишли тузатишлар киритиш;

статистика маълумотларини тақдим этиш тартиби бузилишига йўл қўйган ҳамда яширин ва ноқонуний ишлаб чиқаришни, пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини яширишга ва корхоналар фаолиятини ҳолисона баҳолашнинг бузилишига сабаб бўладиган, унинг муассислари ва акциядорлари манфатларига зарар келтирийдиган нотўғри статистика маълумотларини қасддан тақдим этган шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жарима жазolari қўллаш;

Нотўғри статистика ҳисоботини нотўлиқ ва қасддан нотўғри тақдим этган ҳолда кўпол қонун бузилишига йўл қўйган шахсларни қонунчиликка мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан белгиланган тартибда тақлифлар киритиш.

3.2. Бўлим ўзига тегишли вазифаларни амалга оширишда статистика соҳасида амалдаги қонунчиликда белгиланган ягона сиёсатнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб беради.

3.3. Бўлим ходимлари Ўзбекистон республикаси «давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонуни талабларини бузганлик учун, ёхуд мазкур қонун бузилишларига кўмаклашганлик учун қонунга мувофиқ маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилади.

3.4. Бўлимга берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажарилиши, меҳнат интизомининг ҳолати ҳамда ўзига бириктирилган бошқа вазифаларни бажарилиши устидан масъулдир.

IV. Қишлоқ хўжалик ва экология статистикаси бўлимининг ташкилий ва функционал структураси

4.1. Бўлим низоми ва лавозимлар йўриқномаси бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади;

4.2. Бўлимни мазкур низоми асосида бўлим бошлиғи бошқаради.

4.3. Бўлим бошлиғи эгаллаб турган лавозими бошқарма бошлиғи томонидан қўйилади ва бўшатилади.

4.4. Бўлимнинг иш режаси ва иш ҳисоботи, бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади.

4.5. Бўлим шартлари сони ва иш ҳақи миқдори вилоят статистика бошқармаси штат жадвали асосида белгиланади.

V. Қишлоқ хўжалик ва экология статистика бўлими ходимларининг лавозим вазифалари

5.1 Бўлим бошлиғи:

бўлимнинг бутун фаолиятига раҳбарлик қилади ва берилган топшириқларнинг ўз вақтида бажарилишига шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон республикаси «Давлат статистикаси тўғрисида»ги Қонунда кўзда тутилган асосий вазифалар, органнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлигини бўлимда тадбиқ этиш ва соҳадаги барча ишларни мазкур Қонун доирасида ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари, вилоят статистика бошқармасининг буйруқлари ва белгиланган тартибда тасдиқланган йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларни бўлим ходимларига, туман (шаҳар) статистика бўлимларига белгиланган тартибда етказиш ва ижросини таъминлайди;

бўлим низоми ва лавозимлар йўриқномаси асосида ходимларнинг вазифаларини тақсимлайди;

белгиланган тартибда бошқарманинг бошлиғи, бошлиқнинг биринчи ўринбосари томонидан ўтказиладиган мажлисларда иштирок этади;

бошқарма тармоқ бўлимлари билан биргаликда бўлимнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича керакли бўлган ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этади;

белгиланган тартибда бошқарма раҳбариятига бўлимдаги ходимларни ишга жойлаштириш, иш билан таъминлаш, уларни мукофотлаш, ҳамда интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклифлар киритади;

бошқарма тармоқ бўлимларида ва туман (шаҳар) статистика бўлимларида давлат статистика–таҳлил ишларини олиб борилишини текширади ва шу ишларни яхшилаш бўйича ўз таклифларини беради;

вилоят ижтимоий–иқтисодий ривожланиши тўғрисидаги иқтисодий кўрсаткичлар тўпламини тузиш, нашр қилиш ҳамда маърузалар тайёрлашни ташкиллаштиради ва бевосита иштирок этади;

вилоят статистика бошқармасининг бўлимига тегишли вазифалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси бошқармалари билан белгиланган тартибда маълумотлар алмашинувини таъминлайди;

туман (шаҳар) статистика бўлимларига корхона ва ташкилотларга статистик ишларни амалга оширишда ва статистик ҳисобот кўрсаткичларидаги аниқликни таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш, машғулотлар ва семинар кенгашлар ўтказишни ташкиллаштиради;

бўлимга тегишли вазифаларнинг туман статистика бўлимларида бажарилишини таҳлил қилади ва амалий ёрдам кўрсатади;

бўлимнинг низоми ва лавозимлар йўриқномасига бошқарма бошлиғи билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритади.

туман (шаҳар) статистика бўлимларига корхона ва ташкилотларга статистик ҳисобот кўрсаткичларида аниқликни таъминлашда амалий ёрдам кўрсатиш, машғулотлар ва семинар-кенгашлар ўтказишни ташкиллаштиради;

бўлимнинг низоми ва лавозимлар йўриқномасига бошқарма бошлиғи билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар киритади;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этилган Давлат статистика ҳисоботларни ҳаққонийлигини текширилишини белгиланган тартибда ташкиллаштиради;

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Давлат статистика қўмитасининг буйруқлари, вилоят статистика бошқармасининг буйруқлари, шунингдек бошқа белгиланган тартибда тасдиқланган Йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганиб ўзининг ва бўлим ходимларининг иқтисодий малакасини ошириш устида мунтазам ишлайди;

бўлимда, қонун ҳужжатларига ва тавсияномаларга мувофиқ, статистика маълумотларининг маҳфийлигини таъминлайди;

статистика ахборот ресурсларининг хавфсизлигини таъминлайди;

бўлимда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга жавоб беради;

5.2. Бўлим бошлиғи ўринбосари:

бўлим бошлиғи йўқлигида унинг вазифалари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади;

бўлим бош мутахассиси ишларига амалий ёрдам кўрсатади ва унинг йўқлигида унинг вазифасини бажаради;

вилоятда ўтказилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳатларнинг асосий кўрсаткичларини комплекс таҳлил қилади;

шаҳар ва туман статистика бўлимларида статистик-таҳлил ишларини олиб борилишини текширади ва амалий ёрдам беради;

бошқарманинг бошқа бўлимлари билан ҳамкорликда бошқарманинг иш режаларини ишлаб чиқади ва ушбу режаларнинг бажарилишини доимий назорат қилади;

вилоят бўйича кутилаётган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар билан шуғулланади;

вилоят статистика бошқармасининг бўлимга тегишли вазифалари бўйича вилоятнинг бошқа бошқармалари билан белгиланган тартибда маълумотлар алмашинувини таъминлайди;

бўлимга тегишли ишларни ўз вақтида бажарилишига жавоб беради;

ўзига бириктирилган вазифаларнинг сифатли ҳамда ўз вақтида бажарилишига жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарор ва фармойишлари, Давлат статистика бошқармасининг буйруқлари, шунингдек бошқа белгиланган тартибда тасдиқланган Йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганиб ўзининг иқтисодий малакасини ошириш устида мунтазам ишлайди.

5.3. Бўлим бош мутахассиси:

бўлим болиғи ўринбосари йўқлигида унинг вазифалари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади;

бўлим етакчи мутахассиси ишларига амалий ёрдам кўрсатади ва унинг йўқлигида унинг вазифасини бажаради;

бўлимга тегишли вазифалар бўйича вилоят статистика бошқармасининг тармоқ бўлимлари билан белгиланган тартибда маълумотлар алмашинувини таъминлайди;

бўлимга тегишли буйруқларни ўз вақтида бажарилишига жавоб беради;

ўзига бириктирилган вазифаларни сифатли ҳамда ўз вақтида бажарилишига жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Давлат статистика бошқармасининг буйруқлари, шунингдек бошқа белгиланган тартибда тасдиқланган Йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганиб ўзининг иқтисодий малакасини ошириш устида мунтазам ишлайди.

5.4. Бўлим етакчи мутахассиси:

бўлим бош мутахассиси йўқлигида унинг вазифалари бўйича жавобгарликни ўз зиммасига олади;

бўлимга тегишли вазифаларнинг бўлим бошлиғи билан келишган ҳолда, туман статистика бўлимларида бажарилишини таҳлил қилади ва амалий ёрдам кўрсатади;

бўлим бошлиғининг кўрсатмалари асосида турли ҳил инфармацион-техник ишларини олиб боради;

бўлимдаги ҳужжатларни ўз вақтида архивга топширилишига жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари, Давлат статистика бошқармасининг буйруқлари, шунингдек бошқа белгиланган тартибда тасдиқланган Йўриқнома ва меъёрий ҳужжатларни чуқур ўрганиб ўзининг иқтисодий малакасини ошириш устида мунтазам ишлайди.